



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil « 15 » may

№ ПФ–86

“Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни барвақт аниқлаш ҳамда глобал меҳнат бозорида рақобатбардош бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

- (а) иқтидорли ёшларни барвақт аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш;
- (б) ёшлар билан манзилли ишлаш орқали глобал меҳнат бозорида рақобатбардош бўлган мутахассислар тайёрлаш ҳамда мамлакат тараққиёти учун янги инновацион имкониятлар яратиш;
- (в) иқтидорли ёшларни ягона платформага бирлаштириш орқали уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, тажриба алмашинуви ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун самарали муҳит яратиш.

Мақтабгача ва мактаб та’лими вазирлиги

К/Р: 87 нф

2025-йил 20-май

II. “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусининг асосий вазифалари ва бошқарув тизими

2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт ўмиди” жамғармаси (кейинги ўринларда – “Эл-юрт ўмиди” жамғармаси) ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббуси ва уни қўллаб-қувватлаш бўйича **миллий дастурни** (кейинги ўринларда – Миллий дастур) амалга ошириш;

(б) Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимида **Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернатни** (кейинги ўринларда – Мактаб) ташкил этиш;

(в) Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш **ҳамжамияти** (кейинги ўринларда – Ҳамжамият) фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ҳамжамият “Эл-юрт ўмиди” жамғармаси стипендиатлари, Мактаб, Президент мактаблари ва “Янги Ўзбекистон” университети битирувчилари, Миллий дастур иштирокчилари, шунингдек, дунёнинг нуфузли олий таълим ва бошқа ташкилотларида билим ва тажриба орттирган иқтидорли ватандошларни бирлаштирувчи платформа сифатида фаолият юритади.

4. Қуйидагилар:

(а) “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича **миллий кенгаш** таркиби ва унинг асосий вазифалари 1- ва 2-иловаларга мувофиқ;

(б) “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга оширишнинг **асосий йўналишлари** 3-иловага мувофиқ;

(в) “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга ошириш бўйича **“йўл харитаси”** 4-иловага мувофиқ;

- (г) Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернатнинг академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллиги доирасида унга бериладиган **ҳуқуқлар рўйхати** 5-иловага мувофиқ;
- (д) Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернатни **молиялаштириш тартиби** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

III. Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернат фаолиятини ташкил этиш

5. Белгилансинки:

- (а) Мактаб тўлиқ академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий жиҳатдан мустақил **давлат умумий ўрта таълим ташкилоти** ҳисобланади ҳамда унинг умумий фаолияти мактабгача ва мактаб таълими вазири раислигидаги Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернат кузатув кенгаши томонидан ташкил этилади;
- (б) Мактабнинг жорий фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш учун **икки компонентли бошқарув тизими** жорий этилади. Бунда Мактабнинг ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш академик директор, маъмурий-молиявий фаолиятини мувофиқлаштириш ижрочи директор томонидан амалга оширилади;
- (в) Мактабда ўқув жараёни **2025/2026 ўқув йилидан** бошланади;
- (г) Мактабда ўқув жараёни қуйидаги тартибда ташкил этилади:
 - (i) Мактаб битирувчиларига давлат намунасидаги **таълим тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома)** билан бир қаторда етакчи хорижий олий таълим ташкилотларига ўқишга кириш имкониятини берувчи **халқаро таълим дастури дипломи (International Baccalaureate)** берилади;

- (ii) ўқувчилар билан индивидуал ишлаш тизими жорий этилиб, бир нафар маслаҳатчи ва педагогга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг чекланган нормативига муносоиб равишда **1:15** ва **1:8** нисбатлар қўлланади;
- (iii) Мактабда таълим жараёни **вариатив ўқув режалар** асосида амалга оширилади ҳамда ўқувчилар инглиз тилидан ташқари камида яна **битта қўшимча** хорижий тилга ўқитилади;
- (iv) ўқувчиларга илмий-тадқиқот ва инновацион стартап лойиҳалар ҳамда бошқа ижтимоий лойиҳалар бўйича ўзининг портфолиосини шакллантиришга кўмак берилади;
- (д) Мактабда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқитиладиган ўқувчиларнинг умумий чекланган сони **180 нафарни** ташкил этади;
- (е) Мактаб биносини қуриш, жиҳозлаш ва ободонлаштириш ишлари 2026 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида молиялаштирилади.

IV. “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш

6. Миллий дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 мартдаги ПФ–61-сон Фармонида назарда тутилган “Ёрқин истеъдод” лойиҳасини қамраб олади ва қуйидаги босқичларда амалга оширилади:
 - (а) ҳар йили республика бўйлаб **1 500 нафаргача** хорижий олий таълим ташкилотларида ўқишга салоҳияти мавжуд умумий ўрта таълим ташкилотларининг жорий 9-синф битирувчилари имтиҳон асосида саралаб олинади;

- (б) Миллий дастур доирасида саралаб олинган ўқувчилар Агентлик тизимидаги мактабларнинг мактаб маслаҳатчиларига бириктирилади ва махсус платформа орқали 10–11-синфда таълим олиш даврида улар учун қўшимча ўқиш ташкил этилади. Бунда бир нафар мактаб маслаҳатчисига тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг чекланган нормативи 1:15 нисбатгача белгиланади;
 - (в) Миллий дастур иштирокчиси бўлган ўқувчилар учун дунёнинг илғор олий таълим ташкилотлари қабул талабларидан келиб чиқиб, Агентликнинг “Ренессанс” болалар соғломлаштириш оромгоҳида қисқа муддатли ўқувлар ташкил этилади.
7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Миллий дастурни амалга ошириш доирасида қуйидаги рағбатлантириш механизмлари қўлланади:
- (а) Мактабнинг 10-синф ўқувчилари ва Миллий дастур иштирокчиси бўлган ва энг яхши кўрсаткичга эга **40 нафар** ўқувчига дунёнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган қисқа муддатли ўқув дастурларида ҳар йили бир мартаба қатнашиш;
 - (б) Мактаб битирувчилари ва Миллий дастур иштирокчиси бўлган ўқувчиларнинг халқаро миқёсда эътироф этилган академик рейтингнинг энг илғор **100 та** олий таълим ташкилотлари рўйхатидан жой олган хорижий олий таълим ташкилотларида таълим олиш харажатларини ушбу Фармонда белгиланган тартибда қоплаш;
 - (в) мактаб маслаҳатчиларини уларга бириктирилган ўқувчиларнинг олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилинишига қараб, **7-иловага** мувофиқ бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш.
8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси **2027 йилдан** бошлаб ҳар йили “Ёрқин истеъдод” лойиҳасини амалга ошириш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан Мактаб битирувчилари ва Миллий дастур иштирокчиси бўлган ўқувчиларнинг хорижий таълим ташкилотларида таълим олиши учун **200 тадан квота** ажратсин. Бунда:

- (а) квота халқаро миқёсда эътироф этилган академик рейтингнинг энг илғор **100 та** олий таълим ташкилотлари рўйхатидан жой олган хорижий олий таълим ташкилотларига камида **50 фоизлик** грант асосида ўқишга қабул қилинган Мактаб битирувчилари ва Миллий дастур иштирокчиси бўлган ўқувчиларга ажратилади;
 - (б) квота талабларига жавоб берадиган Мактаб битирувчилари ва Миллий дастур иштирокчиси бўлган ўқувчилар сони 200 нафардан кам бўлган тақдирда, ўқишга юбориш бўйича **танлов ўтказилмайди**;
 - (в) квота талабларига жавоб берадиган Мактаб битирувчилари ва Миллий дастур иштирокчиси бўлган ўқувчилар сони 200 нафардан ошган тақдирда, қуйидаги **устуворлик асосида танлов амалга оширилади**:
 - (i) Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ёки Камбағал оилалар реестрига киритилган оила аъзоси ҳисобланиши;
 - (ii) хорижий олий таълим ташкилотининг халқаро миқёсда эътироф этилган академик рейтингдаги ўрни;
 - (iii) олий таълим ташкилотидан тақдим этилган грант миқдори.
- 9. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Агентлик марказий аппаратида вазирлик тизимининг умумий штат бирликлари доирасида:**
- (а) мактаб маслаҳатчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун **14 та** штат бирлигидан иборат бўлган **Бош маслаҳатчилар гуруҳини**;
 - (б) **6 та** штат бирлигидан иборат бўлган **“Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга ошириш бўлинмасини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.
- 10. Белгилаб қўйилсинки:**
- (а) бош маслаҳатчи лавозимига қабул қилинган ходимлар 14 та ҳудудга бириктирилади;

(б) бош маслаҳатчиларга Президент мактабларининг чет эллик мутахассислари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

11. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фаол фуқаролик позициясини намоён этган, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшаётган, ислохотлар жараёнида илғор ташаббуслари, фидойилиги ва намунали фаолияти билан ажралиб турган мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида Ҳамжамият доирасида “Янги Ўзбекистон пойдеворлари” кўкрак нишони таъсис этилсин.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш

12. “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга ошириш ҳамда ижросини назорат қилиш бўйича **республика комиссияси** ташкил қилинсин ва унинг таркиби 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Республика комиссиясига қуйидаги ваколатлар берилсин:

(а) Миллий дастурни амалга ошириш жараёни ва Ҳамжамият фаолиятини мувофиқлаштириш;

(б) Миллий дастур доирасида ажратиладиган 1 500 тагача квотани ҳудудлар кесимида тақсимлаш.

14. Белгилансинки, ушбу Фармонда белгиланган тадбирлар харажатлари 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 9-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.
18. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**“Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини
қўллаб-қувватлаш бўйича миллий кенгаш
таркиби**

1. Ш.М. Мирзиёев – Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Миллий кенгаш раиси
2. Ж.А. Қўчқоров – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири
3. О.Қ. Абдурахманов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси Ижтимоий ривожланиш
департаменти раҳбари
4. Ж.Т. Жўраев – Давлат хавфсизлиги хизмати раисининг ўринбосари
5. Б.И. Абдуллаев – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари
қўмитаси раиси
6. Н.Х. Жумаев – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият,
спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси
7. Қ.А. Шарипов – олий таълим, фан ва инновациялар вазири
8. Б.О. Саидов – ташқи ишлар вазири
9. Ш.Х. Шерматов – рақамли технологиялар вазири
10. Б.Э. Захидов – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири
11. А.А. Худаяров – соғлиқни сақлаш вазири
12. О.Р. Фозилкаримов – иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
13. Ш.А. Аюпов – Фанлар академияси президенти

14. Ж.Ш. Салихов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси ректори
15. Г.С. Исмаилова – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт ўмиди” жамғармаси ижрочи директори
16. Қ.Р. Сариев – Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита раиси
17. В.А. Херрманн – “Янги Ўзбекистон” университети фахрий президенти
18. О.Б. Саттаров – “Ватандошлар” жамоат фонди бошқаруви раиси
19. Х.У. Умарова – мактабгача ва мактаб таълими вазири, масъул котиб

Изоҳ: Миллий кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ўшбу лавозимларга янги тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

**“Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини қўллаб-қувватлаш
бўйича миллий кенгашнинг асосий вазифалари**

1. Умумий раҳбарлик ва стратегик бошқарув:

- (а) ташаббус доирасидаги барча ишлар юзасидан ягона стратегияни ишлаб чиқиш ва тартибга солиш;
- (б) эришилиши лозим бўлган кўрсаткичлар ва индикаторларни тасдиқлаш, уларнинг самарали бажарилиши ўстидан мунтазам назорат ўрнатиш.

2. Мутасадди органлар фаолиятини мувофиқлаштириш:

- (а) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт ўмиди” жамғармаси, олий таълим ташкилотлари ва бошқа манфаатдор идоралар ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш.

3. Молиявий ва ташкилий ресурсларни жалб қилиш:

- (а) Давлат бюджети, хусусий сектор, халқаро ташкилотлар ва донорлардан маблағларни жалб қилиш, улардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилишини таъминлаш;
- (б) “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш учун зарур инфратузилма ва моддий-техник базага бўлган эҳтиёжни таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриш.

4. Мониторинг, таҳлил ва баҳолаш:

- (а) ташаббус мақсадларига эришиш самарадорлиги ҳамда таъсирини баҳолаш, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.

5. Қонунчилик базасини такомиллаштириш:

- (а) “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга ошириш жараёнида зарур бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли тартибда ишлаб чиқирилишини таъминлаш.

6. Ўзлуксиз самарадорликни таъминлаш:

- (а) “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга ошириш сифатини доимий равишда яхшилаш, ўсиб борувчи талаблардан келиб чиқиб янги таклифлар ишлаб чиқиш.

**“Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга оширишнинг
асосий йўналишлари**

**1. Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернат фаолиятини
ташkil этиш:**

- (а) ўқувчиларнинг қобилияти ва истеъдодини баҳолаш орқали
иқтидорлиларини танлаб олиш;
- (б) замонавий ўқув дастурлари ва инновацион педагогик методлардан
фойдаланиб, чуқурлаштирилган таълим беришни таъминлаш;
- (в) ҳар бир ўқувчининг таълим олиши учун зарурий эҳтиёжлари ва унинг
қизиқишларига мос равишда таълим жараёнини ташkil этиш;
- (г) ўқувчиларни илмий изланишларга йўналтириш ва уларнинг
тадқиқот кўникмаларини ривожлантириш;
- (д) ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари ва мустақил фикрлаш
салоҳиятини оширишга қаратилган машғулотлар ўтказиш;
- (е) ўқувчиларга келажакдаги касб танловида йўл-йўриқ кўрсатиш
ва уларни профессионал ривожланишга тайёрлаш;
- (ж) хорижий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб,
ўқувчиларнинг халқаро тажрибага эга бўлишини таъминлаш;
- (з) ўқувчиларда юксак маънавият, ватанпарварлик руҳини уйғотиш
ҳамда уларда Ватанга, жамиятга хизмат қилиш ҳиссини
шакллантириш;
- (и) ўқувчиларни спортга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини
шакллантиришга қаратилган тадбирлар ўтказиш.

2. “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш:

- (а) республика бўйлаб иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлаш;
- (б) дунёнинг илғор олий таълим ташкилотлари қабул талабларидан келиб чиқиб, қисқа интенсив курсларни ишлаб чиқиш ва ўқувчиларни ўқитиш;
- (в) иқтидорли ўқувчилар, шу жумладан, камбағал оилалар фарзандларининг таълим олиши, илмий изланишлари ва ижодий лойиҳаларини амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш;
- (г) ўқувчиларни нуфузли хорижий таълим ташкилотларида қисқа муддатли интенсив дастурларда ўқишга юбориш, уларнинг халқаро конференциялар ва семинарларда иштирокини ташкил этиш;
- (д) ўқувчиларнинг лидерлик қобилиятларини ошириш, уларни келажакдаги профессионал фаолиятга тайёрлаш;
- (е) ўқувчиларни зарур ахборот, адабиёт ва ресурслар билан таъминлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга кўмаклашиш.

3. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамжамиятининг самарали фаолият юритишини таъминлаш:

- (а) дунёнинг нуфузли таълим ташкилотларида таълим олган ўзбекистонлик ёшлар ва малакали мутахассисларни ягона платформада бирлаштириш;
- (б) “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббуси иштирокчилари ўртасида доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг фикрлари ва ташаббусларини давлат ва жамиятга етказишга кўмаклашиш;
- (в) мамлакатга хорижий давлатлардан қайтган ва қайтишга тайёрланаётган ёшларни ўз соҳаси бўйича муносиб иш билан таъминлаш ҳамда уларга профессионал ривожланиш йўллари бўйича маслаҳат ва кўмак бериш;

- (г) мамлакатга қайтган ёш мутахассислар учун имтиёзлар бериш, грантлар ажратиш, уларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа имкониятлар яратиш;
- (д) “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббуси иштирокчиларини стратегик лойиҳаларга жалб қилиш;
- (е) қурултойлар, форумлар, подкастлар, маҳорат дарслари ва доимий мулоқот майдонларини ташкил этиш;
- (ж) чет элда таҳсил олаётган ва истиқомат қилаётган юрtdошларимизда Ватанга дахлдорлик ҳиссини оширишга қаратилган “Қаерга қайтамиз?” номли туркум фильмлар яратиш.

“Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга ошириш бўйича
“Йўл харитаси”

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернат фаолиятини йўлга қўйиш					
1.	Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернатни (кейинги ўринларда – Мактаб) давлат рўйхатидан ўтказиш ва Мактаб кузатув кенгаши фаолиятини ташкил этиш.	1. Мактаб ўставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Мактабни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш. 3. Мактаб кузатув кенгаши тўғрисидаги низомни ва унинг таркибини тасдиқлаш.	2025 йил июль	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)
2.	Мактабнинг педагог ходимлари ҳамда маслаҳатчиларига қўйиладиган малака талабларини белгилаш.	Мактабнинг педагог ходимлари ҳамда маслаҳатчиларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: (а) фан ўқитувчиларида ўқувчиларни халқаро имтиҳонларга (SAT, A-Level, IELTS/TOEFL) ва фан олимпиадаларига тайёрлаш тажрибаси ҳамда инглиз тилидан камидан В2 (инглиз тили фани бўйича дарс ўтиш учун камидан C1) даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиши, шунингдек, “CLIL” (“Content and Language Integrated Learning”) методикасини билиши;	2025 йил июль	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		(б)маслаҳатчилар педагогика, психология, таълим ва коучинг йўналишлари бўйича олий маълумотга, менторлик ва ёшлар билан ишлаш бўйича зарур кўникмаларга, хорижий олий таълим ташкилотларига кириш жараёнида ҳамроҳлик қилиш тажрибасига эга бўлиши ҳамда инглиз тилини камида В2 даражада билиши лозимлиги ва бошқа талаблар назарда тутилади.			
3.	Мактабнинг ташкилий-бошқарув фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Мактаб тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш. 2. Мактабга педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш. 3. Мактабдаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни глобал рекрутинг платформаларига жойлаштириш. 4. Рекрутинг ташкилотлари билан шартнома имзолаб, педагог ходимларни Мактабга жалб қилиш. 5. Мактабнинг бўш иш ўринларига хорижий ва маҳаллий малакали мутахассисларни ишга олиш.	2025 йил август 2025 йил июль 2025 йил июлдан бошлаб Зарур ҳолларда 2025 йил август	Мактабга ажратиладиган маблағлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)
4.	Мактабга ўқувчиларни қабул қилиш бўйича вақтинча тартибини тасдиқлаш.	1. Мактабга ўқувчиларни қабул қилиш бўйича вақтинча тартибни Мактаб кузатув кенгаши қарори билан тасдиқлаш. Бунда Мактабга умумий ўрта таълим ташкилотларининг 8-синф битирувчилари қабул қилинишини назарда тутиш.	2025 йил июль	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Ахборот ва оммавий коммуникациялар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2. Мактабга ўқувчиларни қабул қилиш бўйича вақтинча тартибни оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида эълон қилиш.	2025 йил июль		агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А. Джурабаев)
5.	Мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1. Мактабнинг ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш учун таълим соҳасидаги хорижий ташкилотлар ва экспертларни ҳамда маҳаллий мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш. 2. Мактабнинг ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ўқув режа ва фан дастурларини таҳлил қилиш ва замон талаблари асосида янгилаб бориш.	2025 йил июль Ҳар йили июнь ойида Доимий	Мактабга ажратиладиган маблағлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)
6.	Мактаб ўқитувчилари ва маслаҳатчиларини малака ошириш учун хорижга юбориш.	1. Мактаб ўқитувчилари ва маслаҳатчилари малакасини ошириш тартибини тасдиқлаш. 2. Малака ошириш дастурлари бўйича хорижий ташкилотлар билан музокаралар ўтказиш ва улар билан шартнома имзолаш. 3. Мактаб ўқитувчилари ва маслаҳатчиларини малака ошириш дастурларида ўқиш учун хорижга юбориш.	2025 йил октябрь 2026 йил август 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб доимий	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
7.	Мактабни замонавий дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш ҳамда ўқувчиларга илгор электрон маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш.	1. Ўқув жараёни учун зарур ҳисобланган замонавий дарслик, ўқув қўлланма ва адабиётлар, шунингдек, илмий нашрлар, ўқув-ўслубий, илмий-ўслубий қўлланмалар рўйхатини шакллантириш ва уларни харид қилиш. 2. Ўқувчилар таълим жараёнида фойдаланиши учун илгор электрон маълумотлар базаларига уланиш.	Доимий	Мактабга ажратиладиган маблағлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)
8.	Мактаб ўқувчиларининг фаоллигини ошириш.	1. Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш учун спорт тўғараклари ва санъат студияларини ташкил қилиш. Бунда: (а) ўқувчилар учун экскурсиялар, тренинглар ва маданий учрашувлар ташкил этиш режа-жадвалини тасдиқлаш; (б) режа-жадвал асосида тадбирларни юқори савияда ўтказиш. 2. Мактаб ўқувчиларининг дунёнинг нуфузли таълим ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган қисқа мuddатли дастурларда иштирок этиши тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Нуфузли хорижий таълим ташкилотлари билан музокаралар ўтказиш ва натижаси бўйича келишув битимини тузиш.	2025 йил октябрь Ҳар йили сентябрь ойида Режа-жадвал асосида 2026 йил сентябрь 2027 йил июль ойидан бошлаб	Мактабга ажратиладиган маблағлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		4. Мактаб ўқувчиларини қисқа мuddатли дастурларда иштирок этиш учун хорижга юбориш.	Доимий		
9.	Мактабнинг янги биноси қурилгунига қадар уни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг бўш биноларида вақтинчалик жойлаштириш.	1. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 2025/2026 ўқув йили учун ўқувчиларни қабул қилиш параметрларини шакллантиришда ушбу мактабнинг бўш биноларига Мактабни жойлаштиришни инобатга олиш. 2. Мактабни жойлаштириш учун зарур товар ва хизматлар харидини амалга ошириш. 3. Мактабни жойлаштириш ишларини ташкил этиш.	2025 йил август	Мактабга ажратиладиган маблағлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)
10.	Мактаб кампусини барпо этиш.	1. Мактаб кампусини қуриш учун зарур ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш. 2. Мактаб кампусининг асосий ўқув, маъмурий ва ўқувчилар ётоқхонаси биноларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш ва жиҳозлаш.	2025 йил июль 2026 йил август	2026 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари	Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Ш. Умурзаков) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш. Хидоят), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
II. “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш					
11.	“Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини қўллаб-қувватлаш бўйича миллий дастур (кейинги ўринларда – Миллий дастур)ни амалга ошириш.	1. Хорижий ташкилотлар ва экспертларни ҳамда маҳаллий мутахассисларни шартнома асосида жалб қилган ҳолда Миллий дастурни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Миллий дастур иштирокчиларини саралаш шартлари ва мuddатларини тасдиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш. 3. Миллий дастур иштирокчилари учун саралаш имтиҳонларини ўтказиш.	2025 йил август Ҳар йили май–август ойлари Белгиланган мuddатларда	Мақтабгача ва мақтаб вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)
12.	Миллий дастур доирасида “Ренессанс” болалар соғломлаштириш оромгоҳида (кейинги ўринларда – Оромгоҳ) ўқувчилар учун қисқа мuddатли ўқув курсларини ташкил этиш.	1. Оромгоҳда ташкил этиладиган қисқа мuddатли ўқув курслар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ўқув курсларини ўтказиш ва ташкил этиш учун юқори малакали мутахассисларни меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида жалб этиш. 3. Ўқиш давомида ўқувчиларни тураржой ва иссиқ овқат билан таъминлаш.	2025 йил сентябрь ойдан бошлаб доимий	Мақтабгача ва мақтаб вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
13.	Миллий дастур иштирокчиларининг тайёргарлик даражасини кузатиб бориш ва мувофиқлаштириш бўйича махсус платформа ишлаб чиқиш.	1. “Янги Ўзбекистон” университетининг Илгор билим ва тажрибалар трансфери марказини шартнома асосида жалб қилган ҳолда Миллий дастур иштирокчиларининг тайёргарлик даражасини кузатиб бориш ва мувофиқлаштириш бўйича махсус платформа ишлаб чиқиш ва ишга тушириш. 2. Махсус платформанинг узлуксиз ишлашини ташкил этиш.	2025 йил октябрь Доимий	Мақтабгача ва мактаб вазириликка Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Мақтабгача ва мактаб таълими вазириликка (Х. Умарова)
14.	Миллий дастурда иштирок этувчи мактаб маслаҳатчиларининг малакасини ошириш.	1. Малака оширишга юбориладиган мактаб маслаҳатчиларини саралаб олиш тартибини тасдиқлаш. 2. Малака ошириш дастурлари бўйича хорижий ташкилотлар билан музокаралар ўтказиш ва улар билан шартнома тузиш. 3. Мактаб маслаҳатчиларини саралаб олиш ва малака ошириш дастурларида ўқиш учун хорижга юбориш.	2025 йил декабрь 2026 йил август ойидан бошлаб Доимий	Мақтабгача ва мактаб вазириликка Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар	Мақтабгача ва мактаб таълими вазириликка (Х. Умарова)
15.	Миллий дастурнинг энг яхши кўрсаткичга эга бўлган иштирокчиларини дунёнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари томонидан таъминланган қисқа муддатли дастурларга юбориш.	1. Миллий дастур доирасида энг яхши кўрсаткичга эга бўлган иштирокчиларни саралаб олиш ҳамда уларни дунёнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари томонидан таъминланган қисқа муддатли дастурларда иштирок этиш учун юбориш тартибини тасдиқлаш.	2025 йил декабрь	Мақтабгача ва мактаб вазириликка Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Мақтабгача ва мактаб таълими вазириликка (Х. Умарова)

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2. Нуфузли олий таълим ташкилотлари билан музокаралар ўтказиш ва шартнома тузиш. 3. Иштирокчиларнинг қисқа мuddатли дастурларда иштирокини таъминлаш.	2026 йил сентябрь ойидан бошлаб Доимий		
16.	Миллий дастур доирасида мактаб маслаҳатчиларини рағбатлантириб бориш.	1. Миллий дастур иштирокчилари ўқишга кирган олий таълим ташкилотларини таҳлил қилиш. 2. Нуфузли олий таълим ташкилотларида ўқишни бошлаган Миллий дастур иштирокчилари рўйхатини шакллантириш. 3. Рўйхат асосида мактаб маслаҳатчиларини белгиланган талаблар асосида бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш.	2026 йилдан бошлаб ҳар йили декабрь ойида	Мактабгача ва мактаб вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)
17.	Ўқувчиларни хорижий олий таълим ташкилотларининг имтиҳон тизимларига тайёрлаш бўйича электрон платформани ишга тушириш.	1. Ёшларни дунёнинг нуфузли олий таълим ташкилотларининг имтиҳон тизимларига тайёрлаш бўйича махсус платформани ишлаб чиқиш ва ишга тушириш. Бунда: (а) электрон платформа Массачусетс технология институтининг (АҚШ) таълим технологиялари борасидаги тажрибаси асосида ишлаб чиқилади; (б) электрон платформада салоҳиятли ўқитувчилар иштирокида мунтазам равишда жонли сессиялар ўтказишга имконият яратилади;	2025 йил ноябрь	Мактабгача ва мактаб вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		(в) платформани ишлаб чиқиш ҳамда узлуксиз ишлашини қўллаб-қувватлаш шартнома асосида жалб қилинадиган “Янги Ўзбекистон” университетининг Илгор билим ва тажрибалар трансфери маркази томонидан амалга оширилади. 2. Электрон платформанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш.	Доимий		
18.	Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамжамиятининг (кейинги ўринларда – Ҳамжамият) самарали фаолият юритишини таъминлаш.	1. Ҳамжамият фаолиятини ташкил этиш бўйича махсус платформа ишлаб чиқиш ҳамда унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш юзасидан “Янги Ўзбекистон” университетиининг Илгор билим ва тажрибалар трансфери маркази билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш. 2. Ҳамжамият фаолиятини ташкил этиш учун махсус платформани ишга тушириш ҳамда унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш. 3. Махсус платформада дунёнинг нуфузли олий таълим ташкилотларида таълим олган ўзбекистонлик ёшлар ва малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда шакллантириш.	2026 йил январь ойидан бошлаб Доимий Доимий	Давлат бюджети маблағлари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов), Ўзбекистон Республикасининг хоригждаги дипломатик муассасалари

III. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамжамиятининг самарали фаолият юритишини таъминлаш

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Махсус платформада подкастлар, маҳорат дарслари ва доимий мулоқот майдонларини ташкил этиш.	Доимий		
19.	“Янги Ўзбекистон пойдеворлари” кўкрак нишонни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.	“Янги Ўзбекистон пойдеворлари” кўкрак нишонни тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил август	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова)
